O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 23 июль, шанба • № 59 (11.758) • Эркин нархда сотилади

# ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

**Аввал хабар қилганимиздек, Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» ўйингоҳида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» шиори остида вилоят ёшларининг фестивали бўлиб ўтди. Унда ўн минг нафарга яқин йигит-қизлар иштирок этишди. Вилоят педагогика институти, ўрта-махсус касб-ҳунар коллежлари талабалари ва мактаб ўқувчи-ёшлари миллий истиқлол ғояларига садоқатларини, юксак ватанпарварлик туйғуларини намойиш қилишди. Тадбир вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Ўрта-махсус касб-ҳунар ва Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлимлари томонидан ташкил этилди.**




### ВАТАН ҲАҚИДА СЎЗ

Ватан — остонадан бошланади, деб бежиз айтишмайди. Ватан бу — инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас макон. Шундай экан, уни шу юртнинг ҳар бир фуқароси эъзозлаб, ардоқламоғи, турли ғаразли босқинлардан кўз қорачиғидек асрамоғи лозим.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, миллий истиқлол йўлидан барча жабҳаларда дадил, илдам одимлар ташланмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси, айниқса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Муваффақиятларимиз бош омили бу — юртимиздаги осойишталик ва тинчлик-омонликдир. Афсуски, фаровон ҳаётимизни, эришаётган ютуқларимизни кўра олмайдиган айрим кучлар, турли ниқоблар остида ёвуз мақсадларни кўзлаб, шафқатсиз тажовузлар уюштиришга уринмоқдалар. Пойтахт ва вилоятимиз, Бухоро ва яқинда Андижонда юз берган ёвуз хуружларга, яхши ният билан ташлаётган қадамларимизга тўғаноқ бўлганларнинг қабиҳ ниятларига бутун эл-юрт қарши турибди. Биз асло хотиржам бўлмаслигимиз, аксинча, халқимизни огоҳликка, хушёрликка даъват этмоғимиз лозим.

Ҳукуматимизнинг узоқни ўйлаб олиб бораётган одилона сиёсати туфайли йиллар давомида, Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбияланган, билимли, зукко, маънавий етук ёшларимиз сафи кенгаймоқда. Умуман олганда, улар ўз бурчларини, Ватанга фидойилик ҳиссини чуқур англаб етмоқдалар.

Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган сўзлари бугун ҳаётимизнинг тўлақонли шиорига айланди. Чунки, биз учун энг буюк, энг азиз неъмат — бу Ҳурлик, Озодлик, Мустақиллик, шу азим юрт фаровонлигидир.

Андижонда юз берган мудҳиш воқеалар халқимиз бошидан кечган оғир синов бўлди. Ана шу фожиага нисбатан юртдошларимиз ўз муносабатларини билдириб, террорчи экстремистик кучлар ҳаракатини, унинг ташкилотчилари ва ҳайбаракаллачиларини нафрат билан қораламоқда. Олмалиқда ўтган ёшлар фестивалида бу яна бир бор ўз ифодасини топди.

«Металлург» ўйингоҳига киравериш, унинг атрофи ҳамда майдон ёшларни, юртдошларимизни огоҳликка, Ватанни ардоқлашга даъват этувчи шиорлар билан безатилган. Тадбир давомида бу шиорлар иштирокчилар қалбида акс-садо бериб, майдон узра янграб, Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи иштирокчилар қўлида ҳилпираб турди.

Шаҳарни оқшом ўз оғушига олган пайт майдонни тадбир бошланишидан дарак берувчи чорлов садолари тутиб кетди. Шундан сўнг, майдонда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Халқим» куйлари янгради. Шу пайт юзлаб ижрочи ёшлар аста ҳаракатга келиб, бутун майдонни эгаллашди.

(Давоми 3-бетда).






Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида

**Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий фаолият, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ички ва ташқи бозорлар истиқболларини ҳамда самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогноз қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилиши мониторингини амалга ошириш, хорижий инвесторларга зарур ахборот ёрдами кўрсатиш.

3. Ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб;

Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бошқармалари вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда агентлик минтақавий бошқармаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланадилар.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши тугатилсин.

Тугатилаётган кенгашларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги "Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3151- сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти масалалари бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 21 июль.

# Кун тартибида — долзарб вазифалар

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармон ижросини таъминлашга қаратилган қарори асосида қабул қилинган Ҳаракат дастурларининг биринчи ярим йилликда бажарилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.**

Мажлисда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, вилоят нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамғармаларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Мажлисни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Асосий эътибор барча босқич хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятини жонлантириш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш асосида хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш сингари масалаларга қаратилди. Таъкидландики, маҳаллаларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни тарбиялаш борасида таъсирчан кучга айланиб бормоқдалар. «Замона ёшлари» кўрик-танловлари, оила ва маҳаллалар спорти бўйича мусобақалар анъана тусига кирди. «Аёл ва маънавият», «Огоҳлик — давр талаби», «Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш» мавзуларидаги суҳбатлар, учрашувлар ва семинарлар ўз ижобий самарасини бермоқда.

Шу билан бирга мажлисда хотин-қизларни ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйиш борасида бир қатор шаҳар ва туманларда етарли иш олиб борилмаётганлиги эътироф этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш бўйича қилинаётган ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш омиллари ҳақида сўз борди.

Тадбиркорлик ҳаракатида хотин-қизлар иштирокини кучайтириш борасидаги вазифалар Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиқадиган талаблар нуқтаи назаридан муҳокама қилинди. Ўзининг хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган хотин-қизларга услубий-ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатиш долзарб вазифа эканлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Мажлис муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

# Кутубхоналар эътиборда

**Кутубхоналар миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз қалби ва онгига сингдиришнинг асосий воситаларидан ҳисобланади.**

Кутубхоналарда бугунги кун ўқувчиларининг истак ва хоҳишларини қондирадиган илмий ва бадиий адабиётлар мавжудми? Пскент туманида фаоллар иштирокида ўтган йиғилишнинг мазмуни ана шу долзарб мавзуга бағишланди.

Йиғилишда ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ташаббус кўрсатиб, кутубхоналарни, айниқса, болалар кутубхоналарини зарур адабиётлар билан таъминлашга киришиб олдилар. Айни вақтда «Шарқ зиёкори» очиқ акциядорлик жамияти билан 2 миллион сўмлик шартнома тузилиб, дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилди.

**Башорат САТТОРОВА.**

*Изчил ислоҳотлар йўлида*

# КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ УЧУН

**Хусусий тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор туфайли унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг сони 280 мингдан ошгани фикримизни тасдиқлайди.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири — бу кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш эканини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг шу йил 20 июнда эълон қилинган «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кичик бизнес учун янада катта имкониятлар яратди.

— Мамлакатимизда микрофирма ва кичик корхоналар, яъни кичик бизнесга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларнинг мулк ва ресурс солиқлари бошқармаси бошлиғи Одилхўжа НАБИЕВ. — Бу тизим бозор иқтисодиёти шароитида муҳим ўрин тутади. Жамиятимизда мулк шаклининг ўзгариши, хусусий бизнеснинг ривожи ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатга муносабатнинг тамомила янгича тамойиллари амал қилишига замин яратди.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми йирик корхоналар қуриш имконияти бўлмаган қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Шу боис ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу тармоққа алоҳида аҳамият берилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Кичик бизнес субъектлари учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби соддалаштирилди. Уларнинг зиммасидаги солиқ юки сезиларли даражада енгиллаштирилди. Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўзига ихтиёрий асосда тақдим этилиши тартиби белгиланди. Натижада йилдан-йилга уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиб бормоқда.

Юқорида номи зикр этилган Президент фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди. Унда кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Жумладан, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ жорий этилди. Авваллари бу субъектлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармалари учун алоҳида-алоҳида мажбурий ажратмалар тўлаган. Табиийки, бу жараёнда ортиқча қоғозбозлик ва оворагарчиликка йўл қўйилган. Эндиликда тадбиркор асосий фаолиятига халақит берувчи бундай ортиқча ташвишлардан батамом қутилди.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун бюджет билан ҳисоб-китоблар янада соддалаштирилди. Яъни солиқ идораларига солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича тақдим этиладиган тегишли ҳисоб-китоблар ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача амалга оширилади.

Мазкур корхоналар учун солиқ юки янада енгиллаштирилди. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушумга нисбатан бюджет ва бюджетдан ташқари солиқ ва мажбурий тўловлар 15,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур корхоналар учун ягона солиқ тўлови 13 фоизга пасайтирилди.

Акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ ҳамда акциз солиғи тўлаган бўлсада, бу сумма солиқ базасидан камайтирилмас эди. Эндиликда бир объектни икки марта солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадида акциз солиғига тортиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблаб чиқишда акциз солиғи суммаси камайтирилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармонга асосан янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш муддати бир йилга кечиктирилиши, яъни солиқ имтиёзларидан бири бўлган «солиқ таътили» қўлланилади. Ушбу даврда ҳисобланган солиқ суммасини кейинги ҳисобот йилидан бошлаб бир йил муддат давомида тўлаши корхонанинг молиявий барқарорлашувига хизмат қилади. Бундан ташқари, микрофирма ва кичик корхоналарга қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳам сақлаб қолинади.

Ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод этилди. Тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг амалий механизмини таъминлаш мақсадида «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани тадбиркорларимиз учун яна бир қулайлик бўлиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар аҳолини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун янада рағбатлантиради. Уларнинг реал даромадини ошириб, қулай меҳнат бозорини шакллантиради. Яъни жорий этилган қатор имтиёзлар туфайли юзага келадиган манфаатдорлик янги иш ўринлари яратиш имконини беради ҳамда ишчи кучи ресурсларини ўзига жалб этади. Бу тизимнинг бозор конъюктураси ўзгаришига тезкор мослаша олиши эса юқори сифатли, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Ёзни «Камолот» билан!

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман Кенгаши ташаббуси билан вилоятимизнинг Юқоричирчиқ туманида жойлашган ҳарбий қисмнинг ўқув-машғулот маскани негизида спорт оромгоҳи очилди.**

Оромгоҳ «Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик» шиори остида ўтаётган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Кўзда тутилган тадбирларни талаб даражасида ўтишида туман ички ишлар бўлими, «Камалак» болалар ташкилоти, «Маҳалла умидлари» маркази ўзаро ҳамкорлик қилмоқдалар. Ушбу оромгоҳга туман ички ишлар бўлими рўйхатида турувчи вояга етмаган ёшларнинг 20 нафари жалб этилган. Мавсум давомида болалар учун сузиш мусобақалари, бадантарбия ва ҳарбий машғулотлар, «Камолот соати», «Қувноқ стартлар», кечки сайр каби тадбирлар уюштирилмоқда.

**Хуррият МЎМИНОВА.**

